

2020

MAHMUDKHUJA BEHBUDIY AS A LEADER OF JADID REFORMS

Muminjon Xujaev

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, m.xojaev@iiiau.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Cultural History Commons](#), [History of Philosophy Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Xujaev, Muminjon (2020) "MAHMUDKHUJA BEHBUDIY AS A LEADER OF JADID REFORMS," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 4.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss3/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ – ЖАДИД ИСЛОҲОТЛАРИ ЕТАКЧИСИ

МАХМУДХОДЖА БЕХБУДИЙ — ЛИДЕР ДЖАДИДИТСКИХ РЕФОРМ

MAHMUDHOJA BENVUDIY LEADER OF THE JADID REFORMS

Muminjon XUJAEV,
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD,
senior lecturer of the chair on Social-humanitar
sciences. mumin_81@mail.ru
II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.*

Аннотация: XX бошларида Туркистонни маъориф орқали жаҳон цивилизацияси даражасига кўтаришга ҳаракат қилган жадидларимиз замонавий таълимни ўша давр муаммоларининг ечими сифатидаги кўрсатган концептуал ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни шу маънода, таникли шарқшунос жадидчи олим Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларидаги маданиятлараро мулоқот, таълим, тарбия, маданият, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка оид ёндашувни янги илмий мезонлар асосида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

М.Беҳбудий XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонни тараққиётга салбий таъсир кўрсатаётган ақидапарастлик, миллатчилик, волонтаризм (табиат ва жамият қонунларини инкор этиб, фақат хоҳиш-истакларни инобатга олиш)га қарши тизимли курашишга киришади. Бу йўлда 1899-1900 йилларда (баъзи маълумотларда 1902 йили) Саудий Арабистонига, 1903-1904 йилларда Москва ва Санкт-Петербургга, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда хизмат сафарларида бўлиб қайтади ва бу сафарларнинг хулосалари асосида ўз мактабида турли илмий, дунёвий фанларни жорий қилишга, илмий-фалсафий манбаларидан унумли фойдаланган ҳолда Туркистонда илм-фанни ривожлантиришга киришади.

Туркистоннинг илм-фан нуктаи назаридан муаммолар гирдобиди қолган масалаларига ечим сифатида таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали фаровонлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш, ижтимоий онда нафақат диний балки, дунёвий фанларни ва миллий бағрикенгликни шакллантириш масалаларига оид асосли илмий ғоялари илғор фанларни илгари суради. Маҳмудхўжа Беҳбудий дунёвий фанларни ислоҳ қилишнинг концептуал аҳамиятга эга фикрлари – халқ маърифати, маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйишнинг зарурлиги, туркий халқларнинг дунёвий фанлар хусусан ўқув адабиётлари ва дарсликлари “Рисолаи асбоби савод” (“Савод чиқариш китоби”, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”, 1905), “Мун-

таҳаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”, 1906), “Китобат ул-атфол” (“Болалар хати”, 1908), “Амалиёт ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) каби дарсликларни чоп эттирган. Таълим ва тарбия оид “Падаркуш” драма (1911), “Оқ елпоғичли чинли хотун” (ҳикоя), “Бир аъмо боланинг ҳасрати” (ҳикоя), “Китобат ал-атфол” (эски ўзбек ёзувида) ва асарларини ёзади ҳамда ўзининг “Нашиёт и Беҳбудия” босмахонасида нашр эттиради.

Бугунги кунда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг илмий меросини муштараклиги ғояларининг аҳамияти XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда замонавий таълим тараққиёти ривож учун кимматли манба сифатида тадқиқ этилмоқда.

Калит сўзлар: маърифат, жадид, таълим, қадрият, гоа, таълим, халқ, миллий, мустамлака, маърифатпарвалик, қудрат, ўлка, мафкура, ўзлик, принцип, давлат, зиёли, маънавият, маданият, тафаккур, менталитет, мерос, дин, драма, ижтимоий, жамоат, мақола.

Аннотация: Мы являемся свидетелями того, что идеи наших жадидов, пытавшихся поднять Туркестан через просвещение на уровень мировой цивилизации в начале XX века, и показавших современное образование как решение проблем того периода, не утратили своего значения и сегодня. В этом смысле исследование трудов известного ученого-востоковеда Махмудхуджи Беҳбудии на основе новых научных критериев играет важную роль в изучении вопросов межнационального общения, мирного сосуществования, образования, культуры и религиозной толерантности.

М. Беҳбудии в конце XIX-начале XX века начинает планомерную борьбу с фанатизмом, национализмом, волонтаризмом (отвергающим законы природы и общества и учитывающим только желания), что отрицательно сказывается на развитии Туркестана. С этой целью он отправляется в деловые поездки в Саудовскую Аравию в 1899-1900 годах (по некоторым данным в 1902 году), Москву и Санкт-Петербург в 1903-1904 годах, в Казань, Уфу, Нижним Новгород в 1906 году. В результате этих поездок после своего возвращения он вводит в своей школе различные новые научные, светские науки, приступает к развитию науки в Туркестане с использованием научных знаний того времени.

Фундаментальные научные идеи М.Беҳбудии по вопросам обеспечения процветания и устойчивого развития Туркестана через реформирование системы образования как решение остающихся в сфере науки проблем, развитие не только религиозных, но и светских наук, а также национальной толерантности в общественном сознании способствуют развитию передовых наук. Махмудхуджа Беҳбудий размышляет о важности реформы светских наук – народного просвещения, необходимости установления диалога с культурой, учебной литературой и учебниками тюркских народов, в частности им были опубликованы такие учебники, как "Книга грамотности" (1904), "Введение в географию населения", (1905), "Краткая общая география" (1906), "Детское

письмо" (1905), "Практика Ислама" (1908), "История ислама" (1909). Он пишет драмы "Отцеубийца" (1911), "Хатун с белым веером" (повесть), "Горе ребенка" (повесть), "Китобат Аль-атфол" (на староузбекском языке) и произведения, связанные с воспитанием и обучением, а также публикует свои произведения в типографии издательства "Бехбудия".

Сегодня значение идей единства научного наследия Махмудхуджи Бехбудии изучается как ценный ресурс в развитии современного образования Туркестана конца XIX-начала XX веков.

Ключевые слова: просвещение, джадид, образование, ценность, идея, образование, народ, просвещение, власть, страна, идеология, идентичность, принцип, государство, образованное, духовность, культура, созерцание, менталитет, наследственность, религия, драма, статья.

Abstract: We are witnessing that the ideas of our Jadids, who tried to raise Turkestan through enlightenment to the level of world civilization at the beginning of the 20th century, and who showed modern education as a solution to the problems of that period, have not lost their significance today. In this sense, the study of the works of the famous orientalist Mahmudkhodja Behbudi based on new scientific criteria plays an important role in the study of issues of interethnic communication, peaceful coexistence, education, culture, and religious tolerance.

M. Behbudi in the late 19th and early 20th centuries began a systematic struggle against fanaticism, nationalism, voluntarism (rejecting the laws of nature and society and taking into account only desires), which negatively affects the development of Turkestan. To this end, he visited Saudi Arabia in 1899-1900 (according to some sources in 1902), Moscow and St. Petersburg in 1903-1904, to Kazan, Ufa, Nizhny Novgorod in 1906. As a result of these trips, after his return, he introduced various new scientific, secular sciences to his school, began to develop science in Turkestan using the scientific knowledge of that time.

The fundamental scientific ideas of M. Behbudi on the issues of ensuring the prosperity and sustainable development of Turkestan through the reform of the education system as a solution to the problems remaining in the field of science, the development of not only religious but also secular sciences, as well as national tolerance in the public consciousness, contribute to the development of advanced sciences. Mahmudkhodja Behbudi reflects on the importance of the reform of secular sciences - public education, the need to establish a dialogue with culture, educational literature and textbooks of the Turkic peoples, in particular, he published such textbooks as "The Book of Literacy" (1904), "Introduction to the Geography", (1905), "Brief General Geography" (1906), "Children's Letter" (1905), "The Practice of Islam" (1908), "The History of Islam" (1909). He writes the dramas "Patricide" (1911), "Khatun with a white fan" (story), "The Grief of a child" (story), "Kitobat Al-atfol" (in the Old Uzbek language) and works related to education and training, as well as publishes

his works in the printing house of the publishing house "Behbudiya".

Today, the significance of the ideas of the unity of the scientific heritage of Mahmudkhodja Behbudi is being studied as a valuable resource in the development of modern education in Turkestan in the late 19th and early 20th centuries.

Keywords: enlightenment, Jadid, education, value, idea, education, people, enlightenment, power, country, ideology, identity, principle, state, educated, spirituality, culture, contemplation, mentality, heredity, religion, drama, article.

КИРИШ

Жадидчилик маърифатпарварликдан кудратли сиёсий ҳаракатга қадар бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтган ўзига хос оқим ҳисобланган. Жадидчиларнинг мақсади Туркистоннинг кўп миллатли туб аҳолиси, энг аввало унинг зиёлилари, ўлканинг иқтисодий, табиий ва меҳнат ресурсларининг эксплуатация қилинишига, ижтимоий ва миллий зулмга жавобан ўсиб бораётган миллий ўзликни англаш, маҳаллий халқлар турмуш тарзини белгиловчи, умуминсоний кадриятларни сақлаб қолиш ва бойитишга интилиш каби принципиал масалаларни ҳал этиш кераклигини илгари сурди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси Махмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллигини муносиб нишонлаш ҳақида таъкидлаб ўтган эди. Ўтган асрнинг бошларида Туркистон ўлкасининг ҳар томонлама мустақиллиги, ривожланиши, ўлка аҳолисининг маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали ўша вақтларда жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторига кўтарилишини орзу қилган ва ўз ҳаётини мана шу ишларга бағишлаб, халқ ва Ватан тараққиёти йўлида шаҳид бўлган Махмудхўжа Бехбудий номи, ҳаёти ва ижоди бугун давлатимиз ва халқимизнинг юксак эътиборда. Зеро, ўтмиш аждодларнинг юрт мустақиллиги, миллат маънавияти ва маданиятини таълим-тарбия, тараққиёт учун курашга ўзларини фидо қилганликларини ўсиб келаётган авлодлар ва жамоатчилик онгу тафаккурига сингдириб бориш миллий менталитетни асраш ва ривожлантириш жараёнларида доимий долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, юртимизда асрлар давомида юксалиб, кадрланиб шаклланган миллий ва диний кадриятларимизни жамият онгига сингдириш орқали таълим тизими, маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Махмудхўжа Бехбудий каби мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш,

илмий меросини тадқиқ этиш воситасида бугунги ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг шартларидан бири ва устувор вазибалар қаторига киради.

Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Уларнинг барчасини мутафаккирнинг халқ озодлиги, Ватан мустақиллиги йўлида илгари сурган ва ўзи бевосита ташкил этган ташаббуслари миллат маърифати ва таракқиёти уни толмас курашчига айлантирган эди.

ТАҲЛИЛ

Маърифатпарвар, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси, замонавий ўзбек драммасининг асосчиси, жадид мактаби ғоясининг амалиётчиси, театр ташкилотчиси, ношир, журналист, ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётининг йирик намоёндаси сифатида мустақил Республика ғоясининг яловбардорлари Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йилнинг 19 январиди Самарқанд шаҳри яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келди. Отаси Бехбудхўжа Солиххўжа ўғли асли Туркистон шаҳридан бўлиб, имом-хатиблик билан шуғулланган. Зиёлилар оиласидаги муҳит ундаги адабиётга, сиёсатга, маърифатга бўлган интилишни рағбатлантириб турган. Унинг отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича мутахассис бўлган. Бу ўз навбатида Маҳмудхўжа тарбиясида ҳам намоён бўлиб борди. Кейинчалик бу ҳақда у ўз мақолаларидан бирида отаси таълим берган “Ислом ҳуқуқига шарҳлар” асари унинг тақдирида қанчалик муҳим рол ўйнаганини ўз таржимаи ҳолида ёзади. Маҳмудхўжа энди вояга етган 19 ёшида, 1894 йилда отасидан айрилади ва тоғаси қози Муҳаммад Сиддик қарамоғида қолади. Маҳмудхўжа тоғаси Муҳаммад Сиддик ёрдамида хат-савод чиқарган, эски мактаб-мадрасада ўқиган. Муҳаммад Сиддик эса ўз даврининг таниқли зиёлиси ва қозиси бўлган. Шу жиҳатдан Бехбудий тафаккурининг ривожланишида унинг катта таъсир кўрсатган. Бундан ташқари Маҳмудхўжа бошқа бир тоғаси араб тили билимдони Мулла Одилдан араб тилини пухта ўрганиб олгани ҳам маълумотларда ўз аксини топган.

Маҳмудхўжа 18 ёшида қозихонада мирзолик қила бошлайди. Ўз тиришқоқлиги туфайли қози, кейинчалик, муфтий даражасигача кўтарилади. Кейинчалик, адабиёт, тарих фанлари қатори сиёсатшунослик билан ҳам жиддий шуғулланади. Ёш Бехбудий дунёқарашининг шаклланишида Россия жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспринскийнинг таъсири катта бўлган.

Унинг ўз вақтида дунёда, шу жумладан Россия империясида юз бераётган воқеалар, жараёнлар билан узлуксиз танишиб боргани, вақтли матбуот, рўзномаларни доимий кузатгани, шунингдек, жаҳонда содир бўлаётган сиёсий воқеалар билан яқиндан танишганлиги Туркистон келажигига оид хулосалар чиқара олишдек тафаккур ҳосил қилгани ойдинлашади.

Маҳмудхўжанинг маърифатпарварлик фаолияти 1893 йилларда кўрина бошлаган ва шу йили у дастлабки янги усул мактабини очишга муваффақ бўлган эди. Унинг ташаббус ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи қишлоғида Ажзий билан, Ражабамин қишлоғида эса Абдулқодир Шакурийлар билан янги усулдаги жадид мактаби очади. Адиб бу мактаблар учун 1904-1909 йилларда “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китобат ул-атфол” “Амалиёти ислом”, “Мухтасар тарихи ислом” каби дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзади. У 1914 йилда Туркия, Мисрга бориб, у ердан муҳим китоблар, ўқув қўлланмалари келтиради, янги усулдаги мактаб дастури устида ишлашга киришади. Бироқ, у турли тўсиқларга учраб, «жадидчилик» раҳнамоси, даҳрий деб эълон қилинади. Шунга қарамай, татар мутафаккири Исмоил Гаспринскийнинг маърифатчилик борасидаги таълимотини қўллаб-қувватлаб, ўз ўлкасида ҳам шундай ишларни амалга оширишга киришади, кўп ўтмай маърифатпарвар сифатида ўз халқи ҳурматида киради. У бир қатор жаҳон тилларини билган юксак маданият соҳиби бўлиши билан бирга, умуминсоний маданиятнинг толмас тарғиботчиси ҳам бўлган.

Маҳмудхўжа Маккага бориш мақсадида араб тилини мукамал ўрганишга киришиб, ислом тарихи ва назарияси билан шуғуллана бошлайди. 1899-1900 йилларда (баъзи маълумотларда 1902 йили) Бехбудий ҳаж сафарига боради. 1902 йилда Маккадан ҳожи бўлиб қайтади. Маълумотларга кўра қайтишда 1903-1904 йилларда Москва ва Санкт-Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Хусусан, у Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган курултойда туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди. Қозон ва Уфа шаҳарларида бўлиб, Европа маданияти билан ҳам қизиқади. Ўша даврдаги Қозон, Оренбургда чиқадиган араб имлосидаги рўзномалар билан танишади ва босмаҳоналарга ташриф буюради ва келажакда ҳамкорлик тўғрисида келишувларни амалга оширади. Айтиш лозимки, унинг мақолаларида кўтарилган асосий муаммолар маориф, маданият ва

маърифатпарварлик тарғиботи бўлган эди. Бехбудий кейинчалик хориж тажрибаси асосида ўз матбуотини Туркистонда ташкиллаштиради. Жумладан, 1912-1913 йилларда Бехбудий Самарқандда «Самарқанд» рўзномаси, «Ойна» журнали чиқишида жонбозлик кўрсатган эди. Шунингдек, унинг мақолалари 1901 йилдан бошлаб «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Осиё», «Хуррият», «Турон», «Садои Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Меҳнаткашлар товуши», «Тирик сўз», «Таржимон», «Шўро», «Вақт», «Тоza ҳаёт», «Самарқанд», «Ойна» каби рўзнома ва журналларда чоп этилган. Албатта, Бехбудий қозонаётган бундай шуҳрат ҳоким синфлар ва амалдорларнинг ғашига тега бошлаган эди. [Қосимов, ziyo.uz]

Бехбудий дунёқарашидида Россиядаги энг нуфузли бўлган Кадетлар партиясининг аъзолари билан учрашув ва улар ҳаракатномаларининг таъсири ҳам катта бўлган эди. Кадетлар партияси Россияни Европанинг ривожланаётган мамлакатларидан ортда қолмаслини таъминлаш учун бу ерда илм-маърифатни ривожлантириш, мамлакат ёш авлодини ижтимоий тоифасидан қатъий назар таълимга камраб олиш ғоясини қўллаб қувватлар эди. Бунинг таъсири билан биз Бехбудийнинг 1910 йилларга келиб, ўлкамизда «Шўрои Исломия», «Уламо», «Адолат», «Ёш бухороликлар» каби ўз даврининг партиялари пайдо бўлгандан кейин уларнинг ғояларини шакллантиришда Маҳмудхўжа жиддий курашчилар қаторида турганлигидан яхши англаш мумкин.

Бехбудий маърифатни ўстириш учун мактаб-маориф соҳасидагина хизмат қилиб қолмасдан, драматургия ва матбуотни ҳам йўлга қўйди. Унинг «Падаркуш» (1913) асари ўзбек драммасининг илк намунаси ҳисобланади. Муаллиф «Миллий фожеа» деб атаган 3 парда, 4 манзарали бу драма ҳажман ихчам, мазмунан ниҳоятда содда эди. Бу асар ўқимаган боланинг бузук йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани, нодонлик ва жаҳолат панд бергани ҳақида ҳикоя қилади. «Падаркуш» дастлаб Самарқандда 1914 йилнинг 15 январидида сахнага қўйилди. Авлониининг «Турон» театр труппаси томонидан Тошкентда 1914 йилнинг 27 февралидида намойиш қилинади. Бой ролини Абдулла Авлониий ижро этади. Ўз маишатиға ўралиб, дунёни унутган миллатдошларға мазкур спектакль кучли таъсир кўрсатди. «Падаркуш» драмасида туркистонлик ёшларни Оврўпо илмгоҳларида ўқитиш ғояларига ҳам дуч келиш мумкин. Мазкур асар ўз даврида Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Мирмуҳсин Фикрийнинг «Бефарзанд Очилдибой», Ҳамза Ҳакимзоданинг «Янги саодат» каби асарларининг яратилишиға ҳам таъсир кўрсатган эди. Ҳатто у

Американинг Калифорния дорилфунунида таржима ҳам қилиниб, сахналаштирилганлиги маълум.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1913 йил «Самарқанд» рўзномасини ўзбек ва тожик тилларида нашр эта бошлайди. Бехбудий миллий маънавият ва маданият, санъат ва адабиётни ривожлантириш, аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, руҳонийларнинг фаолиятини қайта ташкил этиш, мактабларда миллий тилда ўқитиш, мамлакатнинг сиёсий тизимини ислох қилиш учун ҳаракат қилди. Профессор Бегали Қосимовнинг тадқиқотларида Бехбудий 1913 йил 20 августдан у «Ойна» журнали чиқара бошлайди. Ҳафталик, суратли бу журнал асосан ўзбекча бўлиб, шеър, мақола, эълонлар ҳам бериб борилган. Журнал Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркиягача тарқалди. Бехбудий 1914 йил 29 майда Араб мамлакатларига саёҳатга чиқади. Саёҳати давомида Байрамали, Ашхобод, Красноводск, Кисловодск, Пятигорск, Железноводск, Ростов, Одесса шаҳарларида бўлади, 8 июнда Истанбулга келади. Ундан Аданага ўтиб, яна Истанбулга қайтади ва 20 июнда Исмоилбек Гаспринский билан учрашади. Сўнг Қуддус, Байрут, Ёфа, Халил ар-Раҳмон, Порт-Саид, Шом шаҳарларида бўлади. Саёҳат хотиралари «Ойна» журналида босилиб туради. Бу «Хотиралар» ҳар жиҳатдан муҳим бўлиб, анъанавий тарих-мемуар жанрининг XX аср бошидаги ўзига хос намунаси эди. Муаллиф унда йўл таассуротларига, кишилар билан учрашувларининг ибратли томонларига кенг ўрин беради.

Бехбудий «Нашриёти Бехбудия» номи билан ўз хусусий нашриётини очди. Ўз нашриётида Фитратнинг «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарини рус тилига таржима қилдириб 1913 йилда нашр эттиради. 1914 йилнинг 29 майида Бехбудий иккинчи бор араб мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади. Саёҳат хотиралари ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлиб, «Ойна» журналининг 1914 йил сонларида чоп этилади. «Ойна» журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилди. Айниқса, ёшларға тилларни ўргатиш ва замонавий таълим орқали жаҳонга олиб чиқиш, олимнинг ҳамиша диққат марказида турган. Бехбудий миллат тараққий этиши учун миллат маърифатпарварлари ва ёшлари бир неча тил билишлари шарт ҳисоблайди. Бехбудийнинг публицист сифатидаги фаолияти адиб истеъдодини жуда ёрқин бир қиррасини ташкил этади. У ўз умри давомида 300 дан ортиқ мақолалар ёзди. Ўзининг миллат ва ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини мақола ва чиқишларида теран ифода этди. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги бу

мақолаларнинг аксарияти ўзбек халқининг янги йўналишдаги миллий тафаккури шаклланишида, ҳаётга, турмушга янгича қарашлари ҳақ-ҳуқуқларини билишида катта аҳамиятга эга бўлди. “Туркистон идораси”, “Туркистонда мактаб жариди”, “Ёшларга мурожаат” [Бехбудий, 1914, 390-391], “Эҳтиёжи миллат” [Бехбудий, 1913], “Икки эмас, тўрт тил керак” [Бехбудий, 1906] каби публицистик мақолалари ана шундай хусусиятларга эга. Бехбудийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида маърифатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди. Бехбудий илму маърифат халқ оммаси томонидан ўзлаштириб олингандагина ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи кучга айланади, деб фикр юритади. У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси билан боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили, деб ишонган. Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди деган хулосага келади. Бехбудий одамлардан дунёвий фанларнинг ютуқларини ўзлаштириб олишни, ўз даври ижтимоий талаблари, асосан, шаклланган ахлоқ меъёрларига амал қилишни ҳамда инсонпарварлик ғояларини шакллантиришни ҳамда ислом дини таълимоти билан таниш бўлишни талаб қилган. У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси билан боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили, деб ишонган.

Бехбудийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида маърифатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди. Бунда Исмоил Гаспиринскийнинг француз маърифатпарварлари ғоялари остида шаклланган жадидчилик ҳаракатига таъсири ғоят катта бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Агар Шарқда маърифатли шоҳ образи адолатли жамият қуриш учун ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тан олинган бўлса, Бехбудий эса, илму маърифат халқ оммаси томонидан ўзлаштириб олингандагина ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи кучга айланади, деб фикр юритади. Бехбудий истиқлол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўравонликни рад этади. Унингча, зўравонлик ғайрихлоқий, бинобарин, ғайриинсонийдир. Бехбудий истиқлол олишни Исмоил Гаспирали сингари мураса йўлини танлаб, руслар ёрдамида маърифатга эришиш, маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқларни қўлга киритиш, миллий хусусиятларни тиклашда деб билади.

1917 йил Бехбудий Самарқанд шаҳар думаси аъзоси этиб сайланади. Самарқанд вилояти мусулмон ташкилотларининг 1917 йил охирида 2-сонли рўйхат бўйича Самарқанд сайлов округидан Таъсис Мажлисига сайланади. Ватан, мустақиллик тақдири ҳал қилинаётган 1917

йилнинг 16-23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг ўлка курултойида нутқ сўзлайди. Миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоққа чакиради. Бехбудий катта умид боғлаган “Туркистон мухторияти” яқсон этилгач, миллатни, миллий тараққиётни инкор этган шўролар йўли алдов ва зўравонликка асосланганлиги рўй-рост ошкор бўлди.

Профессор Бегали Қосимовнинг маълумотида кўра, Бехбудий 1919 йилнинг баҳорида Шаҳрисабзда қўлга олиниб, Қаршида зиндонга ташланади. Бир неча кундан сўнг Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан зиндон яқинидаги “подшолик чорбоғи”да ўлдирилган. Шўролар ҳукумати амир қўли билан миллатнинг фидойи фарзандини маҳв этганлиги кейинги тадқиқотларда аён бўлмоқда. Қарши шаҳри 1920-1937 йиллар давомида Бехбудий номи билан аталади. Бошқа жадид маърифатпарварларимиз каби Бехбудий ўз вафотидан 18 йил ўтиб, 1937 йилда “ватан хоини” сифатида “катагон” қилинади. Кейинчалик 1956 йилда қайтадан оқланади.

Маҳмудхўжа Бехбудий қайд этганимиздек, 300 дан ортиқ мақолалар, 10 дан ортиқ маърифий дидактик китоблар, 10 дан ортиқ мактаб дарсликлари муаллифи ҳисобланади.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти айниқса бу соҳада тадқиқот олиб борган Б.Қосимов, Н.Каримов, Д.Алимова, Ҳ.Муин, Х.Даврон, Н.Раҳмат, И.Ғофуров, М.Қурононов, И.Ҳаққул, Ш.Ризаев, Н.Намозова, П.Равшанов, Қ.Ражабов, Ҳ.Саидов, Д.Қурононов, М.Хўжаев каби олимларимиз асарларида ўз аксини топган.

Ҳалвойи ва Ражабаминдаги янги усул мактаблари учун Бехбудий томонидан яратилган ўқув адабиётлари ва дарсликлари “Рисолаи асбоби савод” (“Савод чиқариш китоби”, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”, 1905), “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”, 1906), “Китобат ул-атфол” (“Болалар хати”, 1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) каби дарсликларни чоп эттирган. Таълим ва тарбия оид “Падарқуш” драма (1911), “Оқ елпоғичли чинли хотун” (ҳикоя), “Бир аъмо боланинг ҳасрати” (ҳикоя), “Китобат ал-атфол” (эски ўзбек ёзувида) асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

МЕТОДИ

Таълим-тарбияга оид мақолларидан эса, Хайрул умури авсатуҳо [Бехбудий, 1906], Мунозара ҳақида [Бехбудий, 1913], Ёшларга мурожаат [Бехбудий, 1913], Миллатлар қандай тараққий этарлар? [Бехбудий, 1913], Эҳтиёжи миллат [Бехбудий, 1913],

Аъмолимиз ёинки муродимиз [Бехбудий, 1913], Шердор мадрасаси [Бехбудий, 1913], Туркистон [Бехбудий, 1913], Баёни ҳол [Бехбудий, 1913], Икки эмас, тўрт тил лозим [Бехбудий, 1913], Исмоилбек хазратлари [Бехбудий, 1914], «Сарт» сўзи маълум бўлмади [Бехбудий, 1914], Туркистон тарихи керак [Бехбудий, 1914], Мухтарам ёшларга мурожаат [Бехбудий, 1914], Ох, бонкалар бизни барбод этди [Бехбудий, 1914], Жаҳолат дардларидан [Бехбудий, 1914], Зўраки бой, Бизни ҳоллар ва ишлар [Бехбудий, 1914], Фавкуллода такфир (1914), Теётр надур? (1914), Танқид – сараламоқдур (1914), Тарихи ихтирои башар (1914), Сарт сўзи мажхулдур (1915), Бизни кемиргувчи иллатлар (1915), Тил масаласи (1915), Мухтарам самарқандийларга холисона арз (1917), Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат (1918), Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат (1918), Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия (1918) ўша даврдаги муаммоларни ёритади.

Юқоридаги фикрларни тасдиғи сифатида биз, Бехбудийнинг илм жиҳатдан тараққий этиши керак дея, “Ойна” журналининг 1913 йил, 1-сонида “Икки эмас, тўрт тил лозим”, мақоласида: “Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо тилидур. Букунгача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур. Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни тақриру таржималари форсчадур. Бу коида, яъни дарс китоби-арабий, муаллим-туркий, тақриру таржимани форсийлиги хила ажибдур.... Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур, на учунки бугун усмонли, Кафказ ва Қазон турклари замона уламози асарини туркийга таржима қилиб, кўпайтиргандурлар, яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига ҳар бир янги ва нафълик китоблар барча тилда таржима бўлгандур. Араб маданияти юноний Сукрот, Букрот, Фалотунлардан фойдаланганидек, замони ҳозира маданияти Толстўй, Жул Верн, Кеплер, Коперник, Нютонлардан фойдаланур. Мақсаддан узоқ тушдик.” [Бехбудий, 1913, 12-13], деб таъкидлагани бугунги кунда ҳам ёшлар учун бир неча бор таъкидланиб, жаҳонга чиқиш учун зарурлиги айтилмоқда ва биз бунга бугунги кунда ҳам ўз амалий киёфасини йўқотмаганлиги ўз исботини топмоқда.

МУҲОКАМА

“Самарқанд” газетаси 1913 йил 12 июль сонидаги “Эҳтиёжи миллат” номли мақоласида:

“Бошқа миллатларга қаралса қўрилуруки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур. 50 сана муқаддамги замонда, биз туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шарийат ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз. хулоса, мактабимиз, дуқонимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Валлох, ҳар нимарса қўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа ҳеч иш қолмас. Бир ускуна, дўқон ва саройни ишлатмоға ҳам илми замоний ва замона шумлигини билмоқ лозим” [Бехбудий, 1913], деган фикрлари ўша даврда Туркистон аҳолисини маърифатли қилиш биринчи шринда миллатнинг эҳтиёжи бўлмоғи лозим эканлигини ушбу мақоласида таъкидлайди.

“Самарқанд” газетаси 1913 йил 30 июль сонидаги “Миллатлар қандай тараққий этарлар?” мақоласида: “Хулоса, ҳар миллатни уламози, аҳли қалами миллат учун сўйлар, ёзар ва хавожи миллия ва замонияни ўз миллат мансубасига билдирарлар. Замона ағниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар” [Бехбудий, 1914, 898-900], дея ўша даврда янги усул мактабларининг ривожлантириш ва маърифат орқали ёшларни турли ёт йўллардан ва касблардан озод қилиш ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Бехбудий “Ойна” журналининг 38 сонида “Туркистон тарихи керак” мақоласида, “Миллатни тарихини Туркистонда ўтган боболаримизни ижтимоий ҳаёти, қайси йўл билан тараққий этганини ва маданиятини билиш учун “Туркистон тарихи” бор бўлганда тарихий хатоликларни билиб ибрат олган бўлар эдик. Бу қийин масала бўлиб, бунда ёш муаррихимиз мухтарам Аҳмад Заки Валидий афандидан умид қилмоқдамиз” [Бехбудий, 1914, 898-900], деб ёзганлари ёшларни ўтмиш аждодларимиз тарихини ўрганиш орқали миллий ўзликни англашига урғу беради. [Хуҷаев, 2020, 349]

“Ойна” журналининг 1915 йил, 13-сонида “Бизни кемиргувчи иллатлар” мақоласида, “Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёйинки, сил, сил-ар-ия (ўпка сили) ва маховликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош (жон азоби), бевоё, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз –

туркистонийларни шахри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тириклигимизга сорилган ва бизни инкирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалатурғон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман” [Бехбудий, 1915, 338-342], каби фикрлари ҳозирги кунда ҳам қанчадан қанча мақола ва асарлар ёзилаётгани ҳамда Сенатнинг йигирма иккинчи ялпи мажлисида 2019 йил 14 сентябрь куни тўй-ҳашам ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказиш масаласи кўриб чиқилиши, Бехбудийнинг 115 йил олдин ёзган мақоласида кўтарилган муаммо бугунги кундаги аҳамиятини йўқотмаганлигини гувоҳи бўламиз.

Хуршид Давроннинг “Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бу мақолалари гўё бундан бир аср аввал эмас, бугун ёзилгандай, уларнинг ҳар бири замонамиз учун бебаҳо аҳамиятга эгаллигини англаб ҳайратланасан” [Хуршид Даврон, kh-davron.uz], деган фикрлари нақадар ҳақиқат эканлиги ўз тасдиқини топиб турибди.

Ўша вақтда миллий тилни асраш ва келажак авлодга етказишга оид “Ойна” журналида “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар”, “Тил масаласи” [Бехбудий, 1915, 274-277, 306-311] номли ўша давр маърифат муаммолари кўтарилган мақолаларни ёзади ва нашр этади.

НАТИЖА

Бехбудийнинг маърифат, маданият ва миллат тарбиясига оид “Бизни кемиргувчи иллатлар” [Бехбудий, 1915, 338-342] мақоласида куйидаги фикрларни билдиради, “Кавказнинг олти юз чақирими комилан мусулмон ерлари ҳам ниҳоятда манбит (кўкаламзор) ва аъло ерлардурким, арпадан шолигача экилган ва аксарияти баҳорикори. Дарахтлари у қадар кўпки, Самарқанднинг Қарадарахт-у Миёнколи анга нисбатан ҳечдур. Халқи бизнинг пирсиён, лазги, доғистоний деган халқлар бўлуб, яна дохилан чечен, қумуқ ва бошқа исмлар ила аталур. Биз туркистонийлар топганимизни тўй, ўлук ва кўпкарига сарф қилгандек, бу мусулмон қариндошларимизнинг аксари ўз молини қиз олиб қочиб, жанжолига сарф этмоқ, бир-бирларини ўлдуруб, яна қасоси номашруъ тариқида тарафайдан бир нечалаб ўлдуруб, сўнгра бор пулларини суду синод йўлига ва умрларини Сибириё чўлларига сарф қилиб, нобуд бўлар эканлар”.

“Астағфурилло, субҳоноллоҳ. Бизни қиладурғон ақлсизлигимизни қайси миллат қилур? Никоҳ, хатна, бу икки бало шундоқ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунча қутулиб бўлмайду. Шаҳарларда ўртаҳол, яъни ўтурурға хона ва боғи бор бир киши никоҳ учун икки минг сўм сарф этар ва ўғул хатнаси учун ҳеч бўлмаганда минг сўм... Охири нима бўлур?

Нима бўлур дейсиз? Ота-бобосидан қолган мулк ва ватанини ўз ихтиёри илан зўраки бойни ўзи ўлгандан сўнгра бир яҳудий ё бир армани ажнабийга сотиб тўй ва таъзия қарзини берар... Самарқандда бир маҳалла борки, аксар халқи фақру заруратдан, тўғриси, ақл ноқислигидан ҳавлиларини пулға қизиқиб, яҳудийларга сотгани учун маҳаллада оз мусулмон қолди. Маҳалла мактаби йўқ бўлди”.

Ҳозирда Республикамизнинг бир неча вилоятлари хусусан Тошкент ва Самарқанддаги кўчалар ва мактаблар “Маҳмудхўжа Бехбудий” номи билан юритилади.

ХУЛОСА

Юртимизнинг шонли тарихидаги энг табаррук шахслар бўлган жадидларнинг ҳаракати ўрганилар экан, уларни юрт мустақиллиги, миллат маънавияти ва маданияти, ўзбек фарзандларини маърифатли қилиш йўлида фидо бўлганликларини, уларнинг илғор ғоялари мустақиллик туфайли рўёбга чиқаётганлигини турли илмий далиллар билан кўрсатиб бериш долзарб масалалардан ҳисобланади. [Хуҷаев, 2018] Шу нуқтаи назардан қараганда, туркий халқларнинг тарихий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ўз илмий ишлари билан бой мерос қолдирган, ўзбек халқининг қаҳрамони зиёлилар наслидан бўлган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг таълим, маънавият, маданият, фалсафа, ва тарих саҳнасида ўзига хос из қолдирган маърифатпарварларнинг том маънодаги жадидлар етакчиси эди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қосимов Б. <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/mahmudxoja-behbudiy/>
2. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журнали, 1914 йил, 21-сон.
3. Бехбудий М. (1913) «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 12 июл.
4. Бехбудий М. (1906) «Хуршид» газетаси, 1906 йил, 11 октябр 6-сон.
5. Бехбудий М. (1911) «Туркистон вилоятининг газети», 1911 йил, 29 сентябр, 73-сон.
6. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журнали, 1914 йил, 21-сон.
7. Бехбудий М. (1913) «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 30 июл.
8. Бехбудий М. (1914) «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 12 июл.
9. Бехбудий М. (1913) «Ойна» журнали, 1913 йил, 6-7-сонлар.
10. Бехбудий М. (1913) «Ойна» журнали, 1913 йил, 1-сон.
11. Бехбудий М. (1913) «Ойна» журнали, 1913 йил, 1-сон.

12. Бехбудий М. (1913) «Ойна» журналы, 1913 йил, 2-сон.
13. Бехбудий М. (1913) «Ойна» журналы, 1913 йил, 1-сон.
14. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1914 йил, 50-сон.
15. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1914 йил, 39-сон.
16. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1914 йил, 38-сон.
17. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1914 йил, 41-сон.
18. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1914 йил, 19-сон.
19. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1914 йил, 18-сон.
20. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1914 йил, 13-сон.
21. Бехбудий М. (1913) «Ойна» журналы, 1913 йил, 1-сон.
22. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1913 йил, 1-сон.
23. Бехбудий М. (1913) «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 12 июл.
24. Бехбудий М. (1913) «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 30 июл.
25. Бехбудий М. (1914) «Ойна» журналы, 1914 йил, 38-сон.
26. Бехбудий М. (1915) «Ойна» журналы, 1915 йил, 13-сон.
27. Хужаев, М. И. (2020) EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume: 5 | Issue: 8 | August 2020 - Peer Reviewed Journal 2020 EPRA IJRD | Journal DOI: <https://doi.org/10.36713/epra2016> | www.eprajournals.com |349 | BASHKIR TURKISH STUDIES. Volume: 5 | Issue: 8 | August
28. Xurshid Davron. <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-mahmudxoja-behbudiy.html>
29. Бехбудий М. (1915) «Ойна» журналы, 1915 йил, 11-12-сонлар.
30. Бехбудий М. (1915) «Ойна» журналы, 1915 йил, 13-сон.
31. Хужаев, М. И. (2015). Некоторые особенности этических взглядов Ахмет-Заки Валидова. *Credo new*, (2-2), 3-3.
32. Sultonov A. (2019) *The new philosophical paradigm of cultural development //The Light of Islam.* – T. 2019. – №. 4. – С. 25.
33. Alidjanova, L. A. (2019). *The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (80), 508-512. *Soi: http://s-o-i.org/I.1/TAS-12-80-96 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96*
34. Alidjanova, Lazizakhon Abbasovna (2020) "Questions of religion and society in the works of ibn Khaldun," *The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 1, Article 5. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/5*
35. Dono, K. (2020). *Features of information exchange aspects in the information society. Ижтимоий фанлар*, 2(3).
36. Kalandarova, D. (2020). *Features of aspects of information exchange. The Light of Islam*, 2020(1), 210-214.
37. Исломов З. (2020) *Маҳмудхўжа Бехбудий миллий мустақиллик бунёдкори. Ислом тафаккури*, 2020 йил №3. Б. 6-11.
38. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
39. Qaxharova, M., & Tutchieva, H. (2019). SPIRITUAL-MORAL ENVIRONMENT AND ITS BASIC INDICATORS. *The Light of Islam*, 2019(4), 24.
40. Qaxharova, M., & Absattorov, B. M. (2020). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.

REFERENCES:

1. Qosimov B. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/mahmudxoja-behbudiy/>
2. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 21-son.*
3. *Behbudiy M. (1913) «Samarqand» gazetasi, 1913 yil, 12 iyul.*
4. *Behbudiy M. (1906) «Xurshid» gazetasi, 1906 yil, 11 oktyabr 6-son.*
5. *Behbudiy M. (1911) «Turkiston viloyatining gazetasi», 1911 yil, 29 sentyabr, 73-son.*
6. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 21-son.*
7. *Behbudiy M. (1913) «Samarqand» gazetasi, 1913 yil, 30 iyul.*
8. *Behbudiy M. (1914) «Samarqand» gazetasi, 1913 yil, 12 iyul.*
9. *Behbudiy M. (1913) «Oyina» jurnali, 1913 yil, 6-7-sonlar.*
10. *Behbudiy M. (1913) «Oyna» jurnali, 1913 yil, 1-son.*
11. *Behbudiy M. (1913) «Oyna» jurnali, 1913 yil, 1-son.*
12. *Behbudiy M. (1913) «Oyna» jurnali, 1913 yil, 2-son.*
13. *Behbudiy M. (1913) «Oyna» jurnali, 1913 yil, 1-son.*
14. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 50-son.*
15. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 39-son.*
16. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 38-son.*
17. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 41-son.*
18. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 19-son.*
19. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 18-son.*
20. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 13-son.*
21. *Behbudiy M. (1913) «Oyna» jurnali, 1913 yil, 1-son.*
22. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1913 yil, 1-son.*
23. *Behbudiy M. (1913) «Samarqand» gazetasi, 1913 yil, 12 iyul.*
24. *Behbudiy M. (1913) «Samarqand» gazetasi, 1913 yil, 30 iyul.*
25. *Behbudiy M. (1914) «Oyna» jurnali, 1914 yil, 38-son.*
26. *Behbudiy M. (1915) «Oyna» jurnali, 1915 yil, 13-son.*
27. Хужаев, М. И. (2020) EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume: 5 | Issue: 8 | August 2020 - Peer Reviewed Journal 2020 EPRA IJRD | Journal DOI: <https://doi.org/10.36713/epra2016>

- | www.eprajournals.com |349 | BASHKIR TURKISH STUDIES. Volume: 5 | Issue: 8 | August
28. Xurshid Davron. <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-mahmudxoja-behbudiy.html>
 29. Behbudiy M. (1915) «Oyna» jurnali, 1915 yil, 11-12-sonlar.
 30. Behbudiy M. (1915) «Oyna» jurnali, 1915 yil, 13-son.
 31. Xujjaev, M. I. (2015). *Nekotorye osobennosti eticheskix vzglyadov Axmet-Zaki Validova*. *Credo new*, (2-2), 3-3.
 32. Sultonov A. (2019) *The new philosophical paradigm of cultural development //The Light of Islam.– T. 2019. – №. 4. – C. 25.*
 33. Alidjanova, L. A. (2019). *The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (80), 508-512. *Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96*
 34. Alidjanova, Lazizakhon Abbasovna (2020) “*Questions of religion and society in the works of ibn Khaldun,*” *The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 5*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/5>
 35. Dono, K. (2020). *Features of information exchange aspects in the information society. Ижтимоий фанлар*, 2(3).
 36. Kalandarova, D. (2020). *Features of aspects of information exchange. The Light of Islam*, 2020(1), 210-214.
 37. Islomov Z. (2020) *Mahmudxo'ja Behbudiy milliy mustaqillik bunyodkori. Islom tafakkuri*, 2020 yil №3. B. 6-11.
 38. Kakhharova, M. (2018). *Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientific Journal*, (6).
 39. Qaxxarova, M., & Tychieva, H. (2019). *SPIRITUAL-MORAL ENVIRONMENT AND ITS BASIC INDICATORS. The Light of Islam*, 2019(4), 24.
 40. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). *EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.